Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 2 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (13.297)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 январидан:

четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

1-иловада қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш;

1-иловага мувофиқ рўйхатда қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар бир номдаги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланадиган квоталар доирасида мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида амалга оширилиши белгилансин.

2. Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли таҳлил этиш ва шу асосда дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш ҳамда ички бозоримизни янада бойитишга доир таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

рўйхатга киритилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун қайд этилган нархларни белгилаш ҳамда уларни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотадиган ташкилотларга етказишни ташкил этиш;

рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига риоя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

қайд этилган нархлар белгиланадиган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

мамлакатимиз фармацевтика саноатига етакчи хорижий компаниялар ва инвесторларни янада кенг жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирлик ва идоралар, улгуржи савдо ташкилотлари раҳбарларининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш масаласи, шунингдек, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг, жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

3. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини тартибга солиш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш вазифаси юклансин.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида Республика комиссиясига ҳар чоракда рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланган шартнома қийматини белгилашга доир таклифлар киритсин, қиймати ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган тендер таклифлари кўриб чиқилмайди;

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8 сентябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Мазкур ҳужжат демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирларни кўзда тутади.

Дастурда 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Депутатлар томонидан ўтган йиллардан фарқли равишда келгуси йил дастурининг параметрлари янада оптималлаштирилиб, ҳудудлар ва корхоналарнинг реал имкониятлари ҳисобга олингани алоҳида таъкидланди. Жумладан, қурилиш ва инфраструктурани ривожлантириш, туман ва шаҳарларда кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари яратишнинг йўналишлари кенгайтирилган. Шунингдек, ушбу дастур лойиҳасини тайёрлашда 2016 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларининг ижроси юзасидан депутатлар томонидан амалга оширилган парламент назорати якунлари натижасида ишлаб чиқилган таклифлар эътиборга олинган.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2016

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

2016 йилнинг 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида видеоконференцалоқа шаклида "Оммавий ахборот воситалари ва сайловолди ташвиқоти" мавзуида амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсий партиялар матбуот хизматлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Одилов ва бошқалар сайлов жараёнида барча фуқароларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминланишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи паллага кирди. Шу йилнинг 28 октябридан сайловолди ташвиқоти бошланди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдони бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Шу сабабли Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 ҳудудий телеканалларида 206 дақиқадан, "Тошкент" телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратди.

Номзодларга "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида 6 саҳифадан, "Нурли жол" ва "Овози тожик" газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситалари номзодлар учун ошкоралик ва очиқлик муҳитини яратишга кўмаклашишлари ва улар билан боғлиқ ҳар қандай очиқ ахборотни тезкорлик билан, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари талаб этилади. Ахборот дастурлари ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиб беришда оммавий ахборот воситалари тенг шароитлар, шу жумладан, дастурнинг давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг шароитлар яратиб берилишини таъминлайди.

Бунда пуллик эфир вақтини ёки чоп этиш майдонини ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Тадбирда журналистлар саволларига жавоб қайтарилди.

2016 йилнинг 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида жойларда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни ташкил этиш масаласига бағишланган экспертлар гуруҳларининг йиғилиши ўтказилди.

ҲУДУДИЙ СЕМИНАРЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИ

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Марказий, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлар, олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Президент сайловини ўтказишда участка сайлов комиссияларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 13 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган тадбирлар режаси қабул қилинди. 20 октябрь куни республика семинар-тренинги ўтказилди.

Жорий йилнинг 1-10 ноябрь кунлари мамлакатимиз барча ҳудудларида Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмасини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этиш белгиланган.

Ўтказиладиган тадбирлардан мақсад сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институтининг аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни ошкоралигини таъминлашдаги роли сингари йўналишларда сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакасини янада оширишдир.

Йиғилишда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ҳамкорлигида "Мен ОИТСнинг олдини олиш тарафдориман" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

• Навоийда ўтказилган ҳудудий мева-сабзавот ярмаркасида 300 дан ортиқ фермер хўжалиги, агрофирма ва қайта ишловчи корхоналар 25 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан иштирок этди.

• "Истиқлол ғунчалари" республика кўрик-танловининг Наманганда бўлиб ўтган минтақавий босқичида Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидан 37 ўғил-қиз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

• Жиззах вилоятида 1- ва 2-Ховос – Баллакор насос станциялари фойдаланишга топширилди. Янги насос станцияларининг ишга туширилиши билан туманнинг "Сармиш" сув истеъмолчилари уюшмасида 640, "Баландчақир" сув истеъмолчилари уюшмасида 850 гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланади.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқи ва Канада Брюсселдаги саммитда эркин савдо ҳақида келишувни имзолади. Ҳужжат томонлар ўртасида бож тўловларининг бекор қилинишини кўзда тутади ҳамда Канада ва Европа Иттифоқининг 28 давлати парламентлари ратификация қилгач кучга киради.

• Ҳиндистон пойтахти Янги Деҳли шаҳри ҳавосининг ифлосланганлик даражаси меъёрдан 42 мартага ошиб кетди. Тегишли комиссия маълумотларига кўра, PM10 кўрсаткичи (ҳавода диаметри 10 микрометрли зарралар улуши) бир куб метрга 4273 микрограммни ташкил этган. Экспертларнинг фикрича, ҳавода бу каби зарраларнинг бўлиши астма ва юрак хасталиклари билан касалланган беморлар, шунингдек, болалар ва кексалар учун жуда хавфлидир.

• Ироқ пойтахти Бағдодда амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракатлари – бир нечта портлашлар натижасида камида 17 киши ҳаётдан кўз юмди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2016 йил 1 декабргача рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги барча тиббиёт муассасалари рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган тартибда Республика комиссияси томонидан белгиланган улгуржи нархлардан ошмайдиган нархда сотиб оладилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

энг илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини қайта кўриб чиқиш жадвалини икки ҳафта муддатда тасдиқласин, бунда уч ой муддатда ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартлари тасдиқланишини, шунингдек, зарур ҳолларда амалдаги ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколларни қайта кўриб чиқишни назарда тутсин;

тасдиқланган ташхис қўйиш, даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ ҳар йили Республика комиссиясига рўйхатни ўзгартириш бўйича, биринчи навбатда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларининг кўпайишига қараб улардан фойдаланишни кўзда тутадиган таклифлар киритсин;

ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очиқ бўлган ахборот тизимлари орқали ўз вақтида етказишни таъминласин ҳамда уларга риоя этилишини қатъий назорат қилсин;

бир ой муддатда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шунингдек, шифокор рецептисиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқласин, унга зарурат туғилганда белгиланган тартибда ҳар йили ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин;

юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш шартлари, шунингдек, минимал рўйхат бўйича мажбурий талабларни назарда тутган ҳолда, бир ой муддатда Фармацевтика фаолияти тўғрисидаги лицензия шартномасига қўшимчалар киритсин;

шифокорларнинг дори-дармон воситаларини тавсия этиш ва дорихоналарда дори-дармон воситаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин ва унда белгиланган тартиб бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини назарда тутсин;

ўз расмий веб-сайти, шунингдек, дорихоналар расмий веб-сайтларида рўйхатга киритилган барча дори-дармон воситалари бўйича белгиланган нархлар тўғрисида мунтазам янгиланадиган ахборот эълон қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар уларнинг нархини давлат томонидан белгиланган тартибга риоя этишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси юклансин.

8. "Ўзфармсаноат" акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПҚ-2595-сонли Қарорига мувофиқ рўйхатда кўзда тутилган импорт ўрнини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш билан республика эҳтиёжини максимал даражада қоплаш бўйича муҳим чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги йиллик, чораклик моддий ва қиймат балансини шакллантиришда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзфармсаноат" акциядорлик компанияси томонидан асосланган тайёр дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, шунингдек, уларни мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш учун хомашёни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги "Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги 19-ва 2000 йил 5 августдаги "Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 307-сонли қарорлари 2017 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Бош вазир ўринбосари А.Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 31 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарияти фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, самараси юқори ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда ташкил этилган фармацевтика саноати муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги 132 фармацевтика корхонаси томонидан 2 минг турдан ортиқ дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларидан фойдаланиш бўйича халқаро нормалар ва ривожланган давлатлар қонунчилигига мослаштирилган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Халқаро сифат стандартларининг жорий этилиши самарасида мамлакатимиз фармацевтика корхоналарининг экспорт салоҳияти ошди. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган айрим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари, жумладан, МДҲ, Европа иттифоқи мамлакатлари ва АҚШга экспорт қилинмоқда.

2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ янги фармацевтика корхоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилишга доир умумий қиймати 223,9 миллион АҚШ долларига тенг 67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу аҳоли ва тиббиёт муассасаларида эҳтиёж юқори бўлган импорт ўрнини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда дорихона муассасалари тармоғи кенг ривожланган. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида 8472 хусусий дорихона ва уларнинг филиаллари, шунингдек, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси тизимига кирувчи 1437 дорихона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 70 ва 114 таси олис қишлоқлар аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш учун мўлжалланган ижтимоий ва сайёр дорихоналардир.

Шу билан бирга, соҳанинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниши натижасида зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Аввалambор, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлиқ таъминлаш учун республика фармацевтика саноатини янада самарали ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш зарур.

Маҳаллий хомашё, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётига жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Фармацевтика корхоналарининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун хорижий хомашё ҳамда материалларга боғлиқлик даражаси юқорилигича қолаётгани бу борадаги жиддий муаммодир. Мамлакатимиз корхоналарида айрим фармакотерапевтик гуруҳлардаги дори-дармон воситалари, яъни онкологик, эндокринологик, махсус препаратлар ва психотроп воситалар ишлаб чиқарилмайди.

Дорихона муассасалари тармоғини янада оптималлаштириш масаласини ҳал этиш зарур. Дори-дармон воситалари нархларининг асоссиз оширилаётгани, шунингдек, бир хил дори воситаларининг нархларида катта фарқ борлиги кузатилмоқда. Бу дорихоналарда дори-дармон воситаларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва улар фаолияти устидан назоратни кучайтиришга доир шошилинч чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар белгиланмоқда. Бу нархлар даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чоракда белгиланади.

Мазкур комиссия зиммасига, шунингдек:

мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли равишда таҳлил этиш ва ўтказилган таҳлил асосида дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш, мамлакатимиз бозорини етарли даражада тўлдиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

нархларини белгилаш бўйича алоҳида тартиб ўрнатиладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларида риоя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бошқа муҳим вазифалар юкланган.

Юқорида кўрсатилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган квоталар бўйича мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида четдан харид қилинади. Бундай тендерларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланадиган ташкилотлар томонидан нархларни давлат томонидан белгиланган тартибга риоя этилишини бевосита назорат қилади.

Мазкур қарорда дори-дармон воситаларини тўғри тавсия этиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколлар стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очиқ бўлган ахборот тизимлари орқали етказиш, уларга риоя этилишини қатъий назорат қилиш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланган.

Қарорда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шифокор рецептисиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқлаш;

юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган ушбу қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши ички бозорни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ таъминлаш, нарх белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори воситаларини тавсия этиш бўйича номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик имконини беради.

Мазкур барча чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбиркорлик

ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, аввалambор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш бўйича бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қулайликлар яратилган.

Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг меъёрини 50 фоизгача ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти сақланиб қолади. Бундай ҳолатда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилгача муддатда ишга қабул қилинган бўлиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Агарда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 18, 180, 311, 373-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган ва янги 374¹-модда билан тўлдирилган. Унда ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари, жумладан Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлар тадбиркорлар ва аҳоли билан бўлиб ўтаётган учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатларида кенг қамровда етказиб борилмоқда. Шунга кўра кўплаб кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар бундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб ёшларни ишга жалб этган ҳолда ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликка киритилаётган бундай янгиликлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратади.

Шуҳрат АРИПОВ,
Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси
бошлиғи ўринбосари

ДЕПУТАТЛАР 2017 ЙИЛГА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу дастур лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кучайтириш, ҳар бир депутатнинг ушбу масалага масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Мазкур таклифлар инобатга олинган ҳолда 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ж.Носиров, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Таъкидлаш жоиз, 2017 йилги дастурга кўплаб янгиликлар киритилган. Жумладан, фракциямиз ҳудудлардаги мавжуд ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш орқали иш ўринларига талаб юқори бўлган 34 та туманда аҳоли бандлигини таъминлашга доир махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилаётганига эътибор қаратди. Бу нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради, балки ушбу ҳудудларда бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини юксалтириш ҳамда замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш имкониятини яратади.

И.Хажиев, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги махсус ишчи комиссиялар фаолияти натижадорлигини ошириш асосида аҳоли бандлиги дастури ижроси мониторингини самарали ташкил қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Бундай ёндашув иш жойлари қисқаришининг олдини олиш, ишсиз аҳолини касбга қайта ўқитиш ҳажмларини кенгайтириш ва шу орқали кафолатланган иш билан таъминлаш имкониятини беради. Шунингдек, фракциямиз таълим муассасалари битирувчилари ишга жойлашганлигининг ҳаққонийлигини тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинуви тизими асосида мониторинг қилиш тажрибасини кенг жорий қилишни таклиф этди.

З.Акромова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

– 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжни аниқлашда янгича ёндашувлар қўлланилган. Жумладан, дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳар бир қишлоқ (маҳалла) бўйича географик ҳолат бирмабир ўрганилган ва иш жойларига муҳтож бўлган аҳолининг ҳақиқий сони касблар кесимида аниқланган. Натижада иш ўринлари яратиш имкони мавжуд бўлган соҳалар ва тармоқларнинг ички имкониятларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аҳоли бандлигини таъминлашга оид буюртмалар шакллантирилган. Фракциямиз бундай ёндашувни аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали ечимларидан бири деб ҳисоблайди.

У.Саматов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

– Банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, хотин-қизларга, имконияти чекланган шахсларга касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш хизматлари кўрсатиш учун касб-ҳунарга ўқитиш марказлари имкониятларидан кенг фойдаланиш дастур ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу марказларда ишсиз фуқаролар, мавжуд бўш (вакант) иш ўринларини ҳисобга олган ҳолда талаб юқори бўлган бир қатор йўналишларда касб-ҳунарга қайта ўқитилади ва малакаси оширилади. Шу билан бир қаторда, фракциямиз вакиллари банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш учун ҳудудий меҳнат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари, иш қидиришнинг ихтисослаштирилган дастурлари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ҲИНДИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

2016 йил 1 ноябрь куни Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди.

Учрашувда мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ҳиндистон раҳбариятига мамлакатимиз Биринчи Президенти вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани, Ҳиндистон делегациясининг Самарқанд шаҳрига ташрифи доирасида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтиргани учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларга оид, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мунтазамлик касб этган олий ва юқори даражадаги Ўзбекистон – Ҳиндистон сиёсий мулоқоти, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият ва санъат арбобларининг учрашувлари, илм-фан ва таълим соҳасидаги алмашинувлар эришилган келишувларни амалга ошириш, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Шу куни Ҳиндистон делегацияси аъзолари пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи билан танишди. Юртдошларимизнинг тарихимиз ва аждодларимиз хотирасига чексиз ҳурмати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги мактабда бўлди.

Севара АЛИЖОНОВА

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

“Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг пойтахт босқичи бўлиб ўтди.

Танловга Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари раҳбар ходимлари, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, “Камолот” ЁИҲ етакчилари ва кенг жамоатчилик жалб этилди.

Унда танловнинг туман босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори ёшлар онгини турли зарарли ғоялардан ҳимоялаш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини англаб етишида ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялашга доир ижодий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур танлов ана шундай маърифий лойиҳалардан бири ҳисобланади. Танловдан кўзланган мақсад маънавият тарғиботчилари фаолиятини янада такомиллаштириш, ўрганиш, таҳлил этиш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, фаол, фидойи мутахассисларни рағбатлантириб, қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Танлов иштирокчилари шартлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, айниқса ёшларга оид давлат сиёсати ва бу борадаги миллий қонунчилигимизнинг мазмун-моҳиятини теранроқ англаш, дунёда юз бераётган воқеалардан бохабарлиги, ёшлар билан ишлаш маҳорати ва бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида кенг тушунчалар беришди.

Шу билан бирга қатнашчилар ўзларининг диний ахлоқий, илмий, адабий қарашлари, халқимизнинг бағрикенглик, олижаноблик фазилатларини ифода этган ижодий ишлари, нутқий маҳорати ва тафаккурларини тўлиқ намоён этишди.

Жумладан, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш танловнинг асосий вазифаси қилиб белгиланган.

Бугунги кунда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот жараёни замирида инсонларни, айниқса ёшларни маънавий таҳовузлардан асраш, уларни ҳушёрликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, ёшларимиз онгида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур танлов ҳам ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этилишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши кураш олиб боришда ўз самарасини беради. Бинобарин, фарзандларимиз қалбида соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш бўйича ишларни йўлга қўйиш маънавиятчиларнинг асосий вазифасидир.

Танлов якунларига кўра, Яккасарой туманидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири Худойберди Ҳақназаров биринчи ўринга сазовор бўлди ва “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг Республика босқичига йўлланма олди.

Иккинчи ўрин Чилонзор туманидаги 183-сонли умумий ўрта таълим мактаби “Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” фани ўқитувчиси Фаёза Юлдошовага, учинчи ўринга эса, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Муяссархон Тўхтабоева муносиб деб топилди.

– Ёшларни турли зарарли хуружлардан ҳимоялаш, ҳаётга теранроқ назар ташлашга ундаш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз тинчлиги ва халқимизнинг осойишта ҳаётини асраб-авайлаш бугуни куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир, – дейди биринчи ўринга сазовор бўлган Худойберди Ҳақназаров. – Ушбу танлов ёшлар билан ишлашга доир энг самарали тарғибот ва ташвиқот усулларини янада мукаммал эгаллашимизда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Ислом Исмоилов олган суратда

ЗУККО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти ўзининг аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб келаётган иқтидорли қизларимизга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ютуқлари учун ҳар йили баҳор фаслида тантанали равишда топширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда совриндорларнинг сони 240 нафарга етди. Мукофот совриндорлари юртимиздаги олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилиниб келинмоқда.

Айни кунларда пойтахтимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаб олиш учун танловнинг туман босқичлари юксак савияда ўтказиб келинмоқда.

Яккасарой туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган танлов Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сонли академик лицейда бўлиб ўтди.

Танловда 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган 21 нафар иқтидорли қизлар бешта йўналиш бўйича ўз маҳорат ва салоҳиятларини намойиш қилдилар.

– Доно ва зукко қизларни камолга етказиш, улар орасидан энг иқтидорлиларини танлаб олиш, адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ушбу танлов анъанавий равишда ўтказилиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова. – Биринчи Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган ушбу Давлат мукофотига бугун бутун дунё ҳавас билан қарайди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида Зулфия мукофоти каби иқтидорли қизларга давлат ғамхўрлигининг тимсоли бўлган мукофот қайд этилмаган.

Танловда иштирокчи қизлар ўз қобилиятларини кўрсатиш билан бирга, миллийлигимизни тарғиб қилувчи гўзал либослар галереясини, тасвирий санъат кўргазмасини ҳам намойиш қилдилар.

Тадбир сўнгида иштирокчилар Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Ғолиб деб топилган қизлар танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олди.

* * *

Учтепа туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Оила” маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган шу каби яна бир танлов 28-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

– Ушбу танлов гўзал қизларимизнинг бор иқтидорини, салоҳиятини, изланиш ва интилишларини ўзлари қизиққан йўналишда очиб бериш билан бирга, зийрак, зукко, билимдон қизларни саралаб беради, – дейди Учтепа туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мактуба Арипова бир билан суҳбатда. – Аслида танловда иштирок этаётган қизларимизнинг ҳаммаси ҳам шижоатли, юрагида ўти бор ёшлар ҳисобланади. Шулар ичидан энг иқтидорли деб топилганлари эса, танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Тадбир якунида иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва совғалар тақдим этилди.

* * *

Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур танлов Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейда бўлиб ўтди.

Ҳар бир иштирокчи танлов шартларини миллий қадриятларимизга амал қилган ҳолда бажаришга ҳаракат қилди. Қизларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилар экан, уларнинг билим даражаси, кийиниш маданияти, истеъдоди ва зукколигига эътибор қаратилди.

– Мен шундай нуфузли танловда иштирок этганимдан жудаям мамнунман, — дейди 86-умумтаълим мактаби ўқувчиси Камила Сагатова. – Санъат йўналишида бор маҳоратимни намойиш этдим. Танлов ўзимга бўлган ишончимни мустаҳкамлаш билан бирга, Зулфияхоним сафдошлари изидан боришдаги шижоатимга янада рағбат ва куч берди. Шу билан бирга жуда кўплаб иқтидорли қизлар билан дўстлашдим.

Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Бектемир, Миробод, Сергели ва бошқа туманларда ҳам “Зулфияхоним қизлари” кўрик-танловининг туман босқичлари юксак савияда ўтказилди.

Дарҳақиқат, ушбу танлов орқали қизларимизнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш бош мақсад ҳисобланади. Зеро, бугунги қизларимиз эртанги нурафшон кунимизнинг яратувчилари, жамиятимизни яшнатувчилари, сариштали, фариштали, иболи, ҳаёли ва энг асосийси доно, зукко, билимли ва истеъдодли вакиллари ҳисобланади.

Гулнигор САТТОРОВА

КОНСТИТУЦИЯ ВА ЁШЛАР ҲУҚУҚИ

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар, қонунлар замирида ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, ақлан етук, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ва ижобий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам.

Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва кўплаб қонунларда ўз ифодасини топган. 2016 йил 14 сентябрда имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаради.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгиланган. Жумладан, ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шакшубҳасиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилди. Зеро, жамиятнинг демократик йўлдан жадал ривожланиши ва бу борадаги ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Конституцияда белгиланган қонунлар навқирон авлод онги ва қалбига ватанпарварлик, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилиши билан бирга ёшларни юксак марралар томон олға интилишга бор куч-ғайрати, салоҳиятини аямай Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиб яшашга руҳлантиради.

Марҳамат ТУРДАЛИЕВА,
Яккасарой туманидаги 2-давлат нотариал идораси катта нотариуси

СОҒЛОМ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сонли академик лицейда “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши, Олмазор туман “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда “Ижтимоий тармоқларнинг зарарли оқибатлари”, “Ёшлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши кураш” мавзуларида тадбир ташкил этилди.

Шаҳарча ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида “Камолот” ЁИҲ талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши, шаҳарча ҳокимлиги ва ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Тизимли равишда ташкил қилинаётган тадбирлар ҳар бир ўқувчи-ёшларнинг Ватанга, ота-онасига бўлган меҳр-оқибатни, эртанги кунга бўлган ишончини ошириб, юрт тақдирини ўз тақдири деб биладиган юксак маънавиятли, ўзига бўлган ишончи, куч-ғайрати ва фидойилигини намойиш этишга тайёр этиб тарбиялашда катта мактаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари А.Холметов, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ички ишлар бўлими бошлиғи Ш.Мирзажонов ва бошқалар ижтимоий тармоқлар, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда энг катта глобал муаммога айланганини, мазкур муаммоларнинг шунчаки йўқ қилинишини кузатиб турмасдан, керак бўлса илдизи билан суғуриб ташлаш, соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш энг олий мақсадларимиздан эканлигини таъкидлаб ўтишди.

— Бугун юзага келаётган ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга инсониятнинг бепарволиги ва лоқайдлиги сабабдир, — дейди “Камолот” ЁИҲ “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари Зиёдулла Саъдуллаев. — Ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун уларни кўпроқ спортга, санъатга, адабиётга жалб қилишимиз керак. Мустақил Ўзбекистонимизда ёшларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш уларга бўлган эътиборнинг йилдан йилга ўсаётганидан далолат бериб турибди. Шунингдек, қайси соҳани олиб қарамайлик ҳамма жойда айнан ёшлар фаолиятининг серқирралигини кузатиш мумкин. Бизга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб келажакда албатта Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган етук мутахассислар бўлишимиз лозим.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар, уларни қийнаётган муаммоларга атрофлича ечим ва жавоблар олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Архивлар фаолиятидан

МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МЕРОСИМИЗ АЪЛО ДАРАЖАДА САҚЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви сақловхоналарида 302029 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланиб келинади. Ушбу ҳужжатларнинг энг дастлабкиси 1925 йилга тегишлидир.

Архивда саноат, соғлиқни сақлаш, илмий-лойиҳа, қишлоқ, сув ва ўрмон хўжаликлари, қурилиш, турли соҳалардаги ташкилот ва муассасаларнинг ҳужжатлари қабул қилинади ва сақланади.

Архив томонидан жамлаш манбаи бўлган илмий-техникавий, тиббиёт соҳасидаги муассаса, ташкилотларга иш юритиш ва архив ишини такомиллаштириш борасида услубий-амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бугунги техника ва технология жадал ривожланган даврда бизнинг архивимиз ҳам замонавий моддий-техника базаси билан таъминланган. Архивимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири архив ҳужжатларининг электрон нусхаларини яратишдир.

Ҳозирги кунга келиб, архивимизда 29 та энг замонавий компьютер (шулардан 13 таси KOICA), 13 та принтер (шулардан 2 таси KOICA) ва 2 та сканер, битта коопер аппарати мавжуд. Ҳужжатларни электрон сақлаш услубига ўтказиш учун архивимизда махсус сектор ташкил этилган. Бу секторда олий маълумотли ёш архивчи мутахассислар ишлайдилар.

Республикамиз архив муассасаларида архив ҳужжатларини электрон шаклга ўтказиш ишлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мазкур ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунлари доирасида амалга ошириб келинмоқда.

Биринчи навбатда ноёб, ўта ноёб ҳужжатлар доимий сақланадиган фонд ҳужжатларини ташкил этган ҳужжатлар электрон сақлаш услубига ўтказилади. Олдин ҳужжатлар сканер қилинади, кейин уларга фотошоп орқали ишлов берилади, яъни уларнинг яхши кўриниши, ўқилиши таъминланади ва шундан кейингина дисклларга ўтказилади. Керакли дискни излаш осон бўлиши учун электрон каталоглар тузилади.

Ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратишдан асосий мақсад, моддий ва номоддий меросни ташкил этувчи архив ҳужжатларини сақлаш даврини узайтириш, уларни сақлашни ва фойдаланишни замонавий ва қулай услубларга ўтказиш, кейинги авлодларга яхши ҳолатда етказиб беришдир. Табиийки, ҳужжатлардан доимий равишда фойдаланганда уларнинг ҳолати ёмонлашади, эскиради, ёзувлари ўчади, йиртилиши ҳам мумкин. Агар архивга келган фойдаланувчилар, тадқиқотчилар, ўқувчиларга электрон ҳужжатлардан фойдаланиш жорий этилса, мана шундай ҳолатларнинг олди олинади. Бундан ташқари керакли бўлган ҳужжатни қидириб топиш учун кетган вақт ҳам қисқаради ва жараён осонлашади. Бир сўз билан айтганда, электрон ҳужжатлар билан ишлаш жуда қулай ва самаралидир.

Архивда илмий-техникавий, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид бўлган шахсий таркиб ҳужжатлари ҳам сақлаб келинади. Шу ҳужжатлар асосида архив “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровларини ҳам бажаради. Нафақа ёшига етган фуқароларнинг қабулини ташкил этишда, уларнинг сўровларини бажаришда ҳам компьютерлардан фойдаланамиз. Фуқароларга улар фаолият кўрсатган корхона ва муассасаларни топишда архивимизда электрон шаклдаги “Инфокиоск” ишлаб турибди. Инфокиоскда излаб-ахтариш ишларини олиб бориш учун махсус ходим фуқароларнинг қабул вақтига бириктириб қўйилган.

Архивимиз асосий фонд ҳужжатларидан ташқари “Шахсий фонд” деб номланган ҳужжатларни ҳам сақлайди. Бу ҳужжатлар асосан Ўзбекистонда фаолият кўрсатган таниқли арбобларимиз, олимларимизнинг оилалари томонидан, улар фаолият кўрсатган корхона, муассасалар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида тузилган фонддир. Ҳозирги кунда бу шахсий фонд ҳужжатларидан тадқиқотчилар, қизиқувчилар ва олий ўқув юртлари талабалари ўзларининг диплом ва илмий ишларида фойдаланишлари мумкин.

Шоҳиста ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви ходими

Баҳор ойларининг бирида Дилбар таниши Камола билан гаплашиб, унга тегишли бўлган бўш турган новвойхонани ишлатиб туришни илтимос қилади. Аммо бунинг учун тегишлича рўйхатдан ўтиб, зарур ҳужжатларни тўғрилашни ўзига эп кўрмади...

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Дилбар Омонова ва андижонлик Саидаҳмад Миркомилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олдиндан тил бириктириб, қонун тили билан айтганда назорат қилинмайдиган фойда олишни кўзлаб, тегишли тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, ҳеч қандай ҳужжатларсиз Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тансиқбоев – 2 даҳасида жойлашган 1- ва 4-уйларнинг оралиғида Камола Ҳакимовага тегишли бўлган жойдан новвойхона ташкил қилиб, 2014 йилнинг апрель ойидан 2015 йил февраль ойига қадар бўлган фаолияти давомида 45 млн. сўмлик нон пишириб сотиб, 18 млн. сўм фойда кўришган.

Олмазор тумани ДСИ ходимлари февраль ойида юқоридаги манзилда текширув ўтказишганда Саидаҳмад ҳеч қандай ҳужжатларсиз Дилбар Омонова билан оғзаки келишиб, фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди.

Давлатимизда тадбиркорларнинг қонуний ишлаши учун барча шароитлар яратилган бўлса, шу талабларга мос равишда иш юритилганида, Дилбар ва Саидаҳмад жиноий жавобгарликка тортилмаган бўларди, албатта.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди ушбу ишни очиқ суд мажлисида холисона кўриб чиқиб, Д.Омонова ва С. Миркомиловни Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топиб, молиявий жарима ҳамда икки йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Нуриддин ВАПАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКҚ Департаменти Олмазор тумани бўлими инспектори

Спорт янгиликлари







ЖИДДИЙ БАҲС ОЛДИДАН

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи доирасидан ўрин эгаллаган Жанубий Корея — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги баҳс 15 ноябрь куни Сеул шаҳрида ўтказилишидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Ҳозирда жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичи “А” гуруҳида ўтказилган учрашувлардан кейин турнир жадвалида Эрон терма жамоаси 10 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, Самвел Бабаян шогирдлари 9 очко билан иккинчи поғонада боришмоқда. Сеулда Жанубий Корея билан ўтказиладиган беллашувда миллий терма жамоамизга ижобий натижа жуда зарур. Чунки келгуси йили уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичи гуруҳ баҳсларининг учтасини футболчиларимиз сафарда ўтказишади. Шу боис, айрим оммавий ахборот воситалари хабарига кўра Жанубий кореяликлар билан сафарда кечадиган учрашувга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида Тошкентда 10 ноябрь куни Ўзбекистон ҳамда Иордания терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу ўйин “Пахтакор” марказий стадионида бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда 1-4 ноябрь кунлари “Ўзбекистон шахмат федерацияси кузги кубоги” баҳслари ўтказилади.

КУБОК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Мусобақа “А” ва “Б” гуруҳларига бўлинган ҳолда ташкил этилиб, “А” гуруҳида халқаро рейтинг очколарига эга бўлган спортчилар беллашса, “Б” гуруҳида 14 ёшгача бўлган спортчилар ўзаро баҳс олиб боришади.

Шунингдек. ушбу мусобақада ўйинлар швейцар тизимида ташкил этилиб, иштирокчилар рапид ва блиц йўналишларида ўз имкониятларини синовдан ўтказишади.

ЖУФТЛИКЛАР ФИНАЛДА ЎЙНАДИ

Хитойдаги “Suzhou-2016” халқаро аёллар турнирида қатнашаётган ўзбекистонлик Сабина Шарипова ва америкалик Жаклин Сако дуэти жуфтлик беллашувлари финалида ўйнади.

Ушбу жуфтлик дастлабки икки баҳсда кучли рақиблар — тўртинчи рақамда сараланган таиландлик Нича Лертпитаксинчай ва Пеангтран Плипуечни 6:3, 6:3, Хитой вакиллари — Ран Тиан ва Чанг Лиуни 6:1, 6:3 ҳисобида енгди. Ярим финалда биринчи рақамда сараланган дуэт — хитойлик Ксинюн Хан ва туркиялик Ипек Сўйлу 6:2, 6:2 ҳисобида таслим этилди.

Сабина ва Жаклин бош совриндан учун ўтказилган ҳал қилувчи баҳсда учинчи рақамда сараланган япониялик теннисчилар — Хироко Кувата ва Акико Омае билан баҳсга киришди. Финалда тажриба ва маҳорат ўз сўзини айтди ва япониялик теннисчилар 6:1, 6:3 ҳисобида зафар қучиб, бош совринга сазовор бўлди.

Сабина ва Жаклин эса чиройли ва ишончли ўйини билан мухлису мутахассислар қалбидан жой олди.

Ботир ХЎЖАЕВ

БОЛАЖОНЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН “КАМАЛАК”

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти болаларни ихтиёрийлик, ошкоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштирадиган жамоат бирлашмасидир.

Ташкилот фаолиятининг асосий мақсади — болаларни миллий истиқлол ғояси асосида Ватаннинг содиқ фарзандлари ва комил инсон этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишлари ҳамда ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир.

Мустақиллик майдонида пойтахтимиздаги фаол ва иқтидорли 110 нафар ўғил-қизларни “Камалак” ташкилотига аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳримизнинг барча туманларидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилар ва фаол ёшлар иштирок этди.

— Мактабларда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етишига кўмаклашиш мақсадида жорий йилда турли лойиҳалар асосида тадбирлар ўтказилди, — дейди “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси Бобур Мирзаев. — “Ёшлар турли иллатларга қарши”, “Камалак” билимдонлари”, “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар”, “Ёзни “Камалак” ва “Камолот” билан” лойиҳалари доирасида бўлиб ўтган учрашув ва давра суҳбатлари барчада катта таассурот қолдирди. “Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун” шиори остидаги “Камалак” болалар ташкилотининг анжумани, “Онажон мўътабар”, “Камалак”да Янги йил” лойиҳалари ҳам анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Мақсад – ёшлар қалбида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, уларни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, ўғил-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш ва рўёбга чиқаришдан иборат.

Тадбир доирасида юртимиздаги таниқли санъаткорлар ва маданият намояндалари иштирок этиб, ёшлар кўксига “Камалак” кўкрак нишонини тақиб қўйишди. “Мустақиллик ва эзгулик” монументи пойига “Камалак”га аъзо бўлган ёшлар гуллар қўйиб, бахтиёр болаликни ҳис қилишди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ
Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақроран, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан, ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 8 февралдаги 1-400-6190/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Оҳанграбо 2-берк кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 77,27 кв.м. бўлган уй жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 196 250 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 18 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 16 ноябрь куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ.р. 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан савдога қўйилган Учтепа ФИБ судининг 04.03.2016 йилдаги №1-851/16-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 5а-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 1044 кв.м., бинонинг умумий майдони 1266 кв.м, фойдали майдони 1025,75 кв.м, бошланғич баҳоси: 800 000 000 сўм бўлган 1 ва 3 қаватли маъмурий бино ва тиббий ёрдам биноси Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБнинг 05.10.2016 йилдаги (“Realtor Garant Business” МЧЖга 25.10.2016 йилда келиб тушган) № К-8/2-сонли хатига асосан савдодан олинди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.rgbusiness.uz. Телефон: (8371) 233 09 38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Олмазор тумани, Магазин – мавзук кўчаси, 254-уй манзилида жойлашган “FAYZ BARAKA AKSU” МЧЖ номига 22.06.2011 йилда берилган ТА 1225332/3879-40-сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилиш ҳар куни соат 8.00 дан 18.00 гача институт ректори ва мутасадди раҳбарлар томонидан амалга оширилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари “Кимё” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди

Улуғбек Набиевич АБДУРАХМОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Офтальмология, болалар офтальмологияси кафедраси ассистенти Дилорам Асраловна Закирходжаевага турмуш ўртоғи, хирургик касалликлар кафедраси ассистенти

Зиявутдин Фахритдинович ТАШПУЛАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кунниг шкинчи ярмида ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 3-8 метр, кучайган ҳолда 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва эрталаб — 20-22, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод ЖИБС 24.03.2014 йил 1-12/14 даги ҳукми асосида берилган ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда.

1. 2009 й/и/ч, д/р белгиси 01763TAA, кулранг “Эпика” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 51 727 500 сўм.
2. 1943 й/и/ч, д/р белгиси 01 043 MAA, қора рангли, “Крайслер” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 3 381 121 сўм.
3. 2010 й/и/ч, д/р белгиси 01 856 LAA, қаймоқ рангли, “Hyundai H-100” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 50 787 000 сўм.
4. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 906 DAA, совиньон рангли, “ЛАДА11184-114-30” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 19 750 500 сўм.
5. 1999 й/и/ч, д/р белгиси 01 905 DAA, оқ рангли, “Дамас” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 16 176 600 сўм.
6. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 275 EAA, т/в юк (фургон), ранги оқ, “АГБСНГГАЗ330200-1414-21” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 37 620 000 сўм.
7. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 920 DAA, боровица рангли, “ВАЗ11183-110-20” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 19 280 250 сўм.
8. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 921 DAA, боровица рангли, “ЛАДА-11193-110-20” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 19 750 500 сўм.
9. 2006 й/и/ч, д/р белгиси 01 922 DAA, калина рангли, “ЛАДА-11183-110-20” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 18 339 750 сўм.
10. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 908 DAA, металлик рангли, “ЛАДА11174-110-30” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 18 810 000 сўм.
11. 2006 й/и/ч, д/р белгиси 01 911 DAA, металлик рангли, “ВАЗ-21104” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 18 810 000 сўм.
12. 1956 й/и/ч, д/р белгиси 01 056 TAA, қора рангли, “ЗИМ-12” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 12 953 288 сўм.
13. 1969 й/и/ч, д/р белгиси 01 069 TAA, қора рангли, “Опель Адмирал” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 7 935 970 сўм.
14. 2011 й/и/ч, д/р белгиси 01 061 WBA, оқ рангли, “ISUZUAZ NQR 71 PL” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 75 240 000 сўм.
15. 1941 й/и/ч, д/р белгиси 01 041 MAA, кулранг, “ГОНОМАК” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 9 129 028 сўм.

Автомототранспорт воситалари сақланаётган жой: “Auto Plaza Service” МЧЖ, Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1.

2016 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Мирзо Улуғбек ЖИБС 23.12.2013 йил №1-883-13-сонли ижро варақаси асосида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан 07.01.2014 йил №613/12-сонли ижро варақаси асосида хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2008 й/и/ч, д/р/ белгиси 10A532GA, сиёҳранг техник носоз ҳолатдаги “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 16 183 784 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: “Феруза Баракат Сервис” МЧЖ.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 6 декабрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897790-95-95.

Гувоҳнома 5477

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ